

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУДЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 декабрь куни Венгриянинг энг йирик «ОТР» банки бошқаруви раиси Шандор Чаньини қабул қилди.

Олий даражадаги мунтазам учрашувларда эришилган келишувларга мувофиқ Венгрия компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Шандор Чаньини “Ипотека-банк” акцияларининг давлат улушини харид қилиш бўйича битим муваффақиятли якунига етказилгани ва Европанинг етакчи банк-молия институти Ўзбекистон бозорига кириб келгани билан самимий табриклади.

Учрашувда Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида, шу жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ва паррандачилик, озиқ-овқат ва тўқимачилик, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга Венгрия ва Евроиттифоқнинг

бошқа мамлакатларидан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, олий таълим ва профессионал кадрлар тайёрлашда, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини оширишда яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Қўшма лойиҳалар ва ҳамкорлик дастурларини қўллаб-қувватлаш ва илгари суришга доир биринчи галдаги чора-тадбирлардан иборат “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ҳузурида “ОТР” банки томонидан “Ипотека-банк” акцияларининг давлат улушини сотиб олиш тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 декабрь куни фтизиатрия ва пульмонология соҳасини ривожлантириш, ОИТС касаллигининг олдини олиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 февралдаги қарори билан фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинган эди. Бу сезиларли натижа бериб, касалланганлар умумий сони 2 мингтага камайди. Янги касалланган ҳолати 10 фоизга, ўлим ҳолати 17 фоизга қисқарди.

Лекин сўнгги йилларда коронавирус эпидемияси сабабли юртимизда ўпка касалликлари бўйича диспансер назоратидаги беморлар сони 18 фоизга ошган.

Худудларда туберкулёз бўйича 5 хил юқори технологик жарроҳлик амалиётига талаб бўлса-да, бу хизматлар фақат Тошкент ва Нукус шаҳарларида тўлиқ йўлга қўйилган.

Одам иммунитетини танқислиги вируси билан касалланган ҳолатлари ҳам, афсуски, кўпаймоқда. Бу, айниқса, Тошкент шаҳри, Андижон ва Самарқанд вилоятларида долзарб.

Шу боис йиғилишда мазкур икки соҳадаги навбатдаги чора-тадбирлар мутахассислар иштирокида муҳокама қилинди.

Президентимиз келгуси йилдан бошлаб “Ўпка саломатлиги” мобиль бригадаларини ташкил этиб, чекка ҳудудларда болаларни скрининг текширувларидан ўтказиш бўйича топшириқ берди.

Туберкулёз инфекциясининг молекуляр-генетик диагностикаси, яширин инфекцияси бор беморларни аниқлаш ва профилактик даволаш қамровини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят ҳокимларига худудлардаги Фтизиатрия сийҳатгоҳларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, бактериология лабораторияларини ташкил этиш топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига туберкулёз билан касалланган беморларни дори воситалари билан бепул таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунга Давлат бюджетидан 40 миллиард сўм ажратилди.

ОИВ инфекцияси бўйича ҳам текширувни кенгайтириб, 3 миллион аҳолини қамраб олиш чоралари белгиланди. Бундай беморлар ҳам 22 турдаги вирусга қарши дорилар билан бепул таъминланади.

Худудий ОИТС маркази ва туманлараро лабораторияларни таъмирлаш, уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашга масъуллар бириктирилди.

Тиббиётнинг бирламчи бўғини ходимларини ОИВ инфекцияси бўйича малакасини ошириш, аҳоли ўртасида касаллик ва унинг оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Умуман, буларнинг барчасини инобатга олиб фтизиатрия, пульмонология ва ОИТС йўналишларида дастурий қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2022 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига асосан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун:

Биринчи даражали Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:
Санакулов Қувандик, Снитка Николай Павлович, Усманов

Рустамжон, Эргашев Улугбек Абдурасулович, Мустакимов Отабек Маннабиевичга — “Технологик ва ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ва ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” бўйича илмий-амалий ишланмаси учун;

адабиёт соҳасида:
Каримов Наим Фатиховичга — “Абдулла Қодирий замондошлари” асари учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида:
Аликулов Алишер Махмудовичга — Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида жойлашган “Шон-шараф” музейида ишланган маҳоратли рангтасвир асарлари учун.

Иккинчи даражали Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:
Квинт Владимир Львовичга — “Амир Темурнинг стратегик

етақчилиги: “Тузуқлар”га изоҳлар” илмий монографияси учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида (санъат ва меъморчилик соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2022 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали Давлат мукофоти берилиши белгилансин):

Миртаджиев Джалалитдин Турсуновичга (мархум) — мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ва бир қатор хорижий мамлакатларда ишланган ҳайкалтарошлик асарлари учун;
Муҳаммединов Наҳимаддинга — “Гулла-яшна, Ўзбекистоним!” симфоник поэмаси, “Айжамал” балети ва “Гулолим” операсига ёзилган мусиқий композициялари учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ АВТОБЕНЗИН МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ НАРХЛАРИ КЕСКИН ОШИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларнинг автобензин маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида таъминлаш, уларнинг нархларини барқарорлаштириш ҳамда аҳолининг ортиқча сарф-харажатларини қисқартириш мақсадида:

1. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг **2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 мартга қадар** импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти учун, истисно тариқасида, **акциз солигини “ноль” ставкада қўллаш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. **2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 апрелга қадар** Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича **автобензин маҳсулотларининг ортиқча йўқотишлари ва талон-торожиқларга йўл**

қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси томонидан, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишмасдан тадбиркорлик субъектларини уларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятига аралашмаган ҳолда энергия ресурсларидан қонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари бўйича текширишга рухсат берилсин.

Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича **автобензин маҳсулотларининг ортиқча йўқотишлари ва талон-торожиқларга йўл**

қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жазо чораларини қўллаш, шунингдек, уларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органларга тақдимномалар киритиб бориш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги “Юқори ликвидли ва монополь товарларни сотиш жараёнларида бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5031-сон қарори 1-бандининг “в” қичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.Т.Мирзамаҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 декабрь

Биз ва жаҳон

ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА – ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация Туркменистоннинг Ашхабад шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё етакчи аёллар мулоқотининг йиллик йиғилишида қатнашди.

Таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотида 2020 йил декабрь ойида Ўзбекистон ташаббуси билан асос солинган бўлиб, у минтақадаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ролини ошириш ҳамда барқарор ривожланиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш мақсадида норасмий минтақавий платформа ҳисобланади.



Наим Каримов таваллудининг 90 йиллиги

ИЛМ-ФАН, АДАБИЁТ ФИДОЙИСИГА ЭЪТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида атоқли адабиётшунос олим, академик Наим Каримов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг атоқли олим Наим Каримов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.



МУЛОҚОТ — ТИНЧЛИК ГАРОВИ

Яқинда Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Ашхобод шаҳрида Туркманистон бетарафлигининг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Мулоқот — тинчлик гарови” мавзuidaги халқаро конференция ишида иштирок этди.

Конференция

Тадбирда Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Р. Мередов, БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг ижрочи котиби О. Альягрова, ТДТ Бош котиби К. Омуралиев, ЕИ Марказий Осиё бўйича махсус вакили Т. Хакала, БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Ўринбосари, Афғонистонга ёрдам кўрсатиш миссияси раҳбари М. Потцель, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллар мулоқоти аъзолари, хорижий давлатларнинг дипломатик корпуслари ва халқаро

ташкilotларнинг Ашхободдаги ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, видеомуурожаат форматида БМТ Бош котиби ўринбосарлари, Терроризмга қарши кураш бўлими бошлиғи В. Воронков ва БМТнинг Женевадаги ваколатхонаси раҳбари Т. Валовая ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкilotлар вакиллари қатнашди.

Конференциянинг очилишида Р. Мередов мамлакатнинг бетарафлиги туркман халқининг азалий тинчликсевар ва инсонларварлиги аъёнларига асосланганлигини, Туркменистоннинг тинчлик кафолати сифатида мулоқот ташаббуси давлатлараро му-

носабатларга янги, фалсафий парадигма киритганини таъкидлаб ўтди.

БМТ Бош котиби А. Гутерришнинг конференция иштирокчиларига ўқиб эшиттирилган муурожаатида БМТ ва унинг ихтисослаштирилган идоралари бундан кейин ҳам Марказий Осиё давлатларининг тинчлик ва хавфсизлиқни, умуман, барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган глобал саяё-ҳаракат ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашда давом этиши таъкидланди.

Анжуманда қатнашган халқаро ташкilotлар вакиллари конструктив қарорлар қабул қилишда изчиллик ва самарадорлик кўрсатаётган Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлигини юксак эътироф этган ҳолда дунё ҳам-жамиятида бу каби мисоллар кам эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева ўз нутқида Ўзбекистон билан Турк-

менистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар қардош халқларнинг кўп асрлик дўстлиги, яхши қўшничилик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш руҳидаги стратегик шериклик характери-га эга бўлганини қайд этди.

Умумий сиёсий ирода ва олиё даражадаги ишончга асосланган мулоқот Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларини янада мустақамлашнинг асосий кафолатидир.

Ўз навбатида, Туркменистон томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси беқийс экани, икки давлат раҳбарларининг кейинги йиллардаги саяё-ҳаракатлари тўғрйли туркман — ўзбек алоқалари мутлақо янги босқичга қўтарилгани таъкидлаб ўтилди.

Алоҳида қайд этилганидек, давлатлар ўртасида парламентлараро алоқа, шунингдек, Марказий Осиё етакчи

аёллари мулоқоти доирасидаги ўзаро ҳамкорлик жадал ривожланмокда. Ўзбекистон Сенати Раиси мулоқот доирасида минтақада хотин-қизлар ҳуқуқларини илгари суришда муҳим роль ўйнамокда.

Конференция ялпи мажлиси ҳамда “Мулоқот — низоларнинг олдини олиш асоси”, “Мулоқот орқали озик-овқат ва экологик хавфсизлиқни мустақамлаш”, “Кибермаконда кўп томонлама ҳамкорлик ва онлайн тармоқларнинг халқаро мулоқотни барпо этишдаги роли” мавзуларидаги учта сессияда халқаро ҳамкорлиқни кучайтиришнинг амалий жиҳатлари ҳамда ушбу йўналишлардаги саяё-ҳаракатларни бирлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Яқинда очик фикр алмашиш ва кун тартибидagi масалалар юзасидан эксперт муҳокамалар ўтказилди ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган аниқ таклиф ва тавсиялар нуфузли анжуманинг яқуний ҳужжатида ўз аксини топти.

«Халқ сўзи».

Анжуман

КУН ТАРТИБИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ

Яқинда Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида “Марказий Осиёда аёллар тадбиркорлиги кун тартибида” минтақавий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция WAGE (Women and girls empowered) Аёллар ва қизларнинг имкониятларини кенгайтириш консорциуми ташаббусига қўра АҚШ Савдо вазирлигининг Тижорат ҳуқуқини ривожлантириш дастури (CLDP) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова ҳам иштирок этди.

Конференцияда минтақадаги тадбиркор аёллар учун ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган ёндашувлар муҳокама қилинди. Бу борада анжуман иштирокчилари хотин-қизлар тадбиркорлигига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш масаласидаги ўзгаришлар ҳақида сўз юритди ва минтақадаги тадбиркорлар ўртасида ҳамкорлиқни мустақамлаш бўйича янги тақлифлар билдирди.

Ўз навбатида, М. Қодирхонова нутқи довомида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан

бири эканига, ҳозирги вақтда аёлларимиз ҳаётнинг барча жаҳаси, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда фаол ишлаб келаётгани, давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятида аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланаётганига тўхталиб ўтди.

Конференцияда иштирокчилар томонидан мазкур тадбир келгусида Марказий Осиё мамлакатлари кучларини бирлаштириш ҳамда қўллаб-қувватлаш муаммоларни ҳал қилишга ижобий таъсир кўрсатиши айтиб ўтилди.

Икки кун давом этган тадбир якунида WAGE Аёллар ва қизларнинг имкониятларини кенгайтириш коалициялари ва Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ҳамда Туркменистондаги тадбиркор аёллар ўтасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Қайд этилганидек, ушбу ҳужжат умумий мақсадларни белгилашга ва тўпланган тажрибанинг интеграциялашувига хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА — ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ

Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти аъзолари, БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари қатнашган анжуманда Туркменистон раислигида Мулоқот доирасида 2022 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, минтақадаги гендер тенглик масалалари муҳокамалар марказида бўлди. Шунингдек, фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда мазкур платформани институционаллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева биргаликдаги саяё-ҳаракатлар тўғрйли Мулоқот долзарб минтақавий платформага ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида гендер тенглигини таъминлаш масалаларини кенг ва очик муҳокама қилиш учун муҳим майдонга айланганини таъкидлади.

Умумий тараққийёт кўп жиҳатдан гендер тенглиги, аёлларни қўллаб-қувватлаш масалаларига глобал ва минтақавий эътибор даражасига боғлиқ эканини, чунки улар қудратли ҳаракатлантирувчи куч сифатида ҳал қилувчи роль ўйнашини қайд этди.

БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Н. Герман Ўзбекистон гендер тенглигини таъминлашга тизимли ёндашаётганини таъкидлаб, мамлакатда Лидер аёллар билан мулоқот бўйича миллий платформа фаолияти самарадорлигини таъкидлади. Унинг фикрича, Тошкентнинг бу борадаги тажрибаси Мулоқот фаолиятини янада кучайтиришга амалий ҳисса қўшади.

Шунингдек, сўзга чиққан Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари Мулоқот платформаси доирасида йил давомида амалга оширилган ишларга тўхталиб,

Туркменистоннинг раислиги на-тижаларини ижобий баҳолади, гендер тенглиги барча учун тинч, фаровон ва барқарор келажақ яратишга зарур асос эканлигини қайд этди.

Йиғилишда кун тартибига киритилган масалалар, хусусан, аёлларга нисбатан зўравонлиқнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлиқни мустақамлаш каби йўналишларда минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича янги амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини берадиган ҳужжатлар қабул қилинди.

Мулоқотда раислик мuddати бир йил бўлгани сабабли 2023 йилда уни бошқа давлатга ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди ва раислик расман Қозоғистонга ўтди.

«Халқ сўзи».

Фракцияларда

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ТАНҚИДИЙ ФИКР ВА ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Жамгарма маблаглари ортиқча харажатларга сарфланмайди

ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида “Давлат божини ундириш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Ушбу ҳужжат билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 8, 9, 10-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмокда. Хусусан, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар ва маъмурий судларга даъво ариза, ариза ва шикоятлар билан муурожаат қилинганда, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари судларда кўриб чиқиладиган барча ишлар ҳамда ҳужжатлар бўйича давлат божидан озод қилиниши назарда тутилган.

Депутатлар фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида келгусида жамгарма маблагларининг ортиқча харажатларга сарфланишининг олди олинди. Асосийси, бюджет тизимлари маблагларидан оқилона фойдаланилишга хизмат қилади.

Фракция аъзолари партия электорати, халқ манфаатларини ҳимоялай оладиган халқчил қонунлари қабул қилиш бугун гоят муҳимлигини айтиб, партия мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар берди. Савол-жавоб ва муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳасини маъқуллашди.

Йиғилишда “Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаз қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокама ҳам қизгин кенди. Депутатлар ҳозирги шароитда ушбу қонуннинг ниҳоятда муҳимлиги ҳамда унинг қабул қилиниши тупроқлар экологик ҳолатини яхшилаш, яйлов ўсимликлари биохиммаҳлилигини оширишини ҳисобга олиб, уни маъқуллашди.

Нодавлат МТТда 50 нафаргача болаларнинг таълим-тарбия олишларига рухсат берилмокда

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари дастлаб “Мақтабгача таълим ташкilotлари тармоғи кенгайтирилиши ҳамда соҳада нодавлат сектор улушининг оширилиши муносабати билан “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Рес-

публикасининг Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкilotларида кўпи билан 25 нафаргача болаларнинг таълим-тарбия олишига йўл қўйилиши белгилангани навқирон авлоднинг мактабгача таълимга қамраб олинишини қўпайтиришга тўсқинлик қилмокда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан нодавлат мактабгача таълим ташкilotларига кўпи билан 50 нафаргача болаларнинг таълим-тарбия олишларига рухсат берилган.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ҳужжатни тақомиллаштириш бўйича асосли тақлифлар берилди. Қизгин савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат билан Солиқ кодексининг 483-моддасини ҳисобот (солиқ) дaви акулари бўйича жами даромаднинг умумий ҳажмида чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш фаолиятидан олган даромадларнинг улуши 90 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчилар томонидан 2026 йил 1 январга қадар ушбу фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблаглардан олинган фойзалардан ташқари) ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридagi солиқ ставкалари бўйича тўлашини назарда тутувчи янги қисм билан тўлдириш тақлиф этилаётди.

Шунингдек, қонун лойиҳасида белгиланган ушбу имтиёз натижасида соҳада фаолият юритувчи корхоналар ихтиёрида йиллик 26,3 млрд. сўм қўшимча даромад ҳосил бўлиши кутилмокда.

Энди тиббиёт ходимиға кўл кўтарганлар жиддий жазоланади

“Адолат” СДП фракцияси йиғилишида депутатлар “Тиббиёт ходимининг фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

Таъкидланганидек, кейинги пайтларда тиббиёт ходимларига айриқонуний тажовуз ҳолатларига чек қўйилмаепти. Масалан, 2019 — 2022 йилларда 285 дан ортиқ ҳолатларда тиббиёт ходимларига нисбатан турли шаклда тажовуз қилинган.

Амалдаги қонунчиликда хизмат вазифасини бажараётган тиббиёт ходимларига нисбатан

тажовуз, фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун тўғридан-тўғри жавобгарлик белгиланмаган. Ушбу қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги моддалар билан тўлдирилиб, эндиликда тиббиёт ходимиға қонунга хилоф равишда таъсир ўтказган фуқароларга 1,5 млн. сўмдан 2,1 млн. сўмгача, мансабдор шахсларга эса 2,1 млн. сўмдан 3 млн. сўмгача жараима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ белгиланмокда.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг бугунги кундаги зарурати ва аҳамиятини эътиборга олиб, уни янада тақомиллаштириш лозимлигини билдирди. Ҳужжати пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича қўллаб асосли тақлифларни илгари суриб, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашди.

Йиғилишда, шунингдек, “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинди. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида унинг бугунги кундаги зарурати ва аҳамиятини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Суд қарорларининг адолатли бўлиши муҳим

“Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ЎзАДП фракцияси йиғилишида обдан кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан қонуний кучга кирмаган суд қарорлари шикоят (протест) асосида апелляция тартибида, қонуний кучга кирган суд қарорлари, агар улар апелляция тартибида қўрилмаган бўлса, кассация тартибида, апелляция ёки кассация тартибида қўрилган суд қарорларини тафтиш тартибида қўриш, апелляция шикоятини бериш мuddатини 20 кундан 10 кунга қисқартириш, қонуний кучга кирган суд қарорларини кассация тартибида кўриб чиқиш ваколатини вилоят ва унга тенглаштирилган судларга ўтказиш назарда тутилмокда.

Шунингдек, юқори инстанция судлари томонидан қўйи судлар қарорини бекор қилган ҳолда ишни янгидан қўриш учун қўйи судга юбориш амалиётини тугатиш белгиланепти. Депутатлар лойиҳадаги айрим мезёёрларни янада аниқлаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирди.

Фракция йиғилишида “Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаз қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама этилди.

Депутатлар қонун лойиҳаси тупроқ ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини оширишга эришган ердан фойдаланувчиларни иқтисодий рағбатлантириш масалаларини ёритиш назарда ту-

тилгани муҳим масала эканини таъкидлади. Депутатлар лойиҳани тақомиллаштириш юзасидан ўз тавсия ва фикр-мулоҳазаларини билдириб, маъқуллашди.

Шунингдек, Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағаллиқни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққийт ва камбағаллиқни қисқартириш вазири Ж. Қўчқоровга ҳамда Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Ж. Ҳоджаевга махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича қўрилаётган чоралар тўғрисида Қонунчилик палатасининг парламент сўровларини юбориш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилишнинг қонуний асоси мустақамланиши керак

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари “Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаз қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокамадан ўтказишди.

Айтиб ўтилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда муҳофаз этишнинг қонуний асосларини мустақамлаш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ҳисобига махсуслот етилиштириш ҳажмини ошириш, тоза тупроқда сифатли ва хавфсиз махсуслот етилиштириш, тупроқ унумдорлиги пасайишининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, тупроқларнинг экологик ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

Депутатлар томонидан қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилиб, қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг фракция аъзолари “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди. Мазкур лойиҳа билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига тегишли қўшимчалар киритиш орқали чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланидиган солиқ тўловчиларга айрим солиқ имтиёзларини бериш тақлиф этилган.

Ушбу қонун лойиҳаси санитар тозалаш корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, узоқ мuddатли инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини рағбатлантириш ҳамда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг самарали ташкил этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш мақсадида депутатлар томонидан қатор тақлифлар билдирилиб, маъқуллашди.

Юқори ишчанлик руҳида ўтган йиғилишларда фракциялар ваколатига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Гуманитар ҳамкорлик:

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ТАЖРИБА ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

12 декабрь куни Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижодкор ва илмий зиёлиларининг XV форуми ўз ишини бошлади.

Форум

Тадбирнинг очилишида янгиланиб бораётган Ватанимизда маданият ва санъат, илм-фан ривожига ислохотлар ҳамда илмий зиёлилар ҳаётининг устувор жиҳати сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

МДҲга аъзо давлатлардан 200 нафардан ортиқ ижодкор ҳамда илмий зиёлилар қатнашаётган мазкур форум барча иштирокчиларнинг ҳамкорлиқа ва ҳамжиҳатликка бўлган қатъий ишонч ва интилишини яққол намоён этмокда.

Форумнинг мавзуси — “Гуманитар ҳамкорлик: ўттиз йиллик тажриба ва ривожланиш истиқболлари” замонавий воқелиқни ҳисобга олган ҳолда, ҳамкорлик режаларини муҳокама қилиш ҳамда устувор йўналишлар ва шакллари белгиланиш назарда тутди.

Пленар йиғилишлар ва ихтисослаштирилган бўлимларда олимлар, педагоглар ва санъаткорлар касбий ҳамкорлиқнинг турли жиҳатлари: таълим соҳасидаги ҳамкорлиқнинг янги форматлари, ёшлар билан ишлашда узлуқсизлик ва инновациялар, маданиятлараро мулоқотни шакллантириш, адабиёт ва матбаа-нашриёт соҳасидаги интеграция механизмларини муҳокама қилмокда.

— Форумнинг мунозара майдонларида бир қанча долзарб йўналишлар бўйича фикр-мулоҳазалар, тақлифлар ўртага ташланмокда, — дейди Қозоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Дюсен Касенов. — Бундай мулоқотлар, албатта, керак. Чунки бир-биримиз билан юзма-юз учрашамиз, ўзаро тажриба алмашиб, келгуси истиқбол режаларини белгилаб оламиз. Мен шу ўринда Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг саяё-ҳаракатлари билан сўнгги йилларда ўзбек ва

қозоқ халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда қардошлиқ муносабатлари яхши қўшничилик ва стратегик ҳамкорлик асосида янги босқичга қўтарилиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бизни умумий тарих, маданий қадриятлар, аъёна ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Яқинда Қозоғистонда ташкил этилган Ўзбекистон маданияти қунари ўзаро дўстона муносабатларимиз барқарор эканини яна бир қарра тасдиқлади. Бундай тадбирлар қардош халқларимиз маданий алоқаларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Аъёнага қўра, форум доирасида Ҳамдўстлик маданияти пойтахтлари эстафетаси топширилди. Бу йил МДҲнинг маданият пойтахти бўлган Қирғизистоннинг Қоракўл шаҳри тажрибасини 2023 йилда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри давом эттиради.

Санъат, фан ва таълим соҳасидаги улкан ютуқлари учун бериладиган МДҲнинг Давлатлараро бош мукофоти — “Ҳамдўстлик юлдузлари” лауреатларини тақдирлаш маросими форумнинг кульминацион нуктаси бўлди. Ёшлар мукофоти — “Ҳамдўстлик дебютлари” мукофотлари ҳам ўз эгаларига топширилди. Шунингдек, маданий дастур доирасида МДҲ давлатларининг Ёшлар симфоник оркестри чиқишлари бўлиб ўтди.

Форумнинг яна бир аъёнаси — МДҲ давлатларининг гуманитар соҳадаги фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этишдири. Бу сафарги кўргазма Ҳамдўстлик мамлакатларидagi мавзули йилларнинг асосий тадбирларига бағишланди. Форум бугун ҳам ўз ишини давом эттиради.

«Халқ сўзи».

ИЛМ-ФАН, АДАБИЁТ ФИДОЙИСИГА ЭЪТИРОМ

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига қўра, Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, кенг қам-

биётшунослиги, театршунослиги, санъатшунослиги, умуман, миллий маънавиятимиз равангига қўшган улкан ҳиссасини эътироф этди.

Дарҳақиқат, Наим Каримов ўндан ортиқ китоблар, юздан зиёд мақолалар ёзган, юзлаб шоғирдларни камолга

ОЛАМ МАЪМУРЛИҒИ АЛАРДИН...

Пойтахтимизда Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кўни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбир ва ҳосил байрамида бу ҳикмат яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Шуқуҳ

Ҳамма даврларда ҳам деҳқон — ҳаётнинг бақувват устуни, тирикликнинг мустаҳкам таяничи бўлиб келган. Асрлар, замонлар ўзгаради, лекин ушбу соҳа фидойилари зиммасидаги шарафли бурч асло ўзгармайди. Зеро, Алишер Навоий бобомиз таъкидлаганидек, “Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин...”

Сана муносабати билан пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма мажмуида ташкил этилган тантанали тадбир аввалида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги ходимларига йўллаган байрам табриғини Президент Администрацияси раҳбари ўринбосари — Президентнинг матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Тадбир қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Шўхрат Ғаниев, қишлоқ ҳўжалиғи вазир Азиз Воитов қўтлади.

Байрам табриғида таъкидланганидек, бугун дунёда иқлим ўзгариб, ер ва сув ресурслари бора-сида ҳам турли муаммолар кўпайиб бораётган ҳозирги вақтда ҳақиқий матонат ва жасорат, омилкорлик фазилатларини намойён этиб, барча қишлоқ ҳўжалиғи экинларидан мўл ҳосил этиштириб келаётган соҳа фидойилари меҳнати юксак таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Айни пайтда мамлакатимизда 90 мингдан зиёд фермер ҳўжаликлари, 633 та агрокластер фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилда 7,2 млн. тонна дон, 3,5 млн. тонна пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Бу йил юрти-мизда 22 млн. тонна мева-саб-завотлар етиштирилди ва дунё-нинг 72 та давлатига 1 млрд.



долларликдан ортиқ маҳсулотлар экспорт қилинди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пахта-ғалла экиладиган 100 минг гектар ер майдони очик аукцион савдои орқали аҳолига тарқатилиб, 1 млн. 200 минг иш ўрни яратилди. 19,5 минг гектар ме-вали боғ, 21,6 минг гектар узум-

зор барпо этилди. Яроқсиз ҳолга келиб қолган 100 минг гектар ер бу йил қишлоқ ҳўжалиғида фойдаланиш учун қайтарилди. 400 минг гектар ерда иннова-

рилиши режалаштирилгани бу борадаги ишлар бардавом эканли-гидан далолат беради.

Ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қулай агро-бизнес муҳити ва юқори қўшил-ган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ри-вожлантиришни қўллаб-қувват-лашга жиддий эътибор қарати-лаётгани ютуқлар омили бўлмоқ-да. Биргина 2022 йилнинг ўзида кластер корхоналари томонидан 5,4 трлн. сўмлик 179 та инвести-ция лойиҳаси амалга оширилиб, 12 мингта иш ўрни яратилишига эришилди. Айни пайтда юртими-зда пахта ва ғалланинг 100 фои-зи, мева-сабзавот маҳсулотла-рининг 40 фоизидан ортиғи ай-нан кластер тизими асосида етиштирилаётганининг ўзи ҳам ушбу тузилма нечоғли самарали эканлигини кўрсатади.

Кувонарлиси, бу каби тизим-ли ислохотлар натижасида ҳозирги кунга келиб 96 фоиз озиқ-овқат маҳсулотлари мам-лакатимизнинг ўзида ишлаб чи-қарилапти ҳамда ички эҳтиёж-дан ортиғи жаҳон бозорига экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиғини ривожланти-ришининг 2020 — 2030 йилларга

мўлжалланган стратегияси қабул қилингани аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экспорт география-сини кенгайтириш, даромадни ошириш, соҳада ресурстежамкор технологияларни қўллаш каби ишларни янада жадаллаштириш-да муҳим аҳамиятга эга. Ўтган даврда соҳа истикболини бел-гилаб берувчи ушбу стратегия-даги вазифаларни амалга оши-риш мақсадида 7 та қонун, 86 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Тантанали тадбирда фаол-лик ва фидойилик кўрсатаётган бир гуруҳ соҳа ходимларига “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиғи фидойиси”, “Илгор фермер”, “Намунали то-морқачи”, “Меҳнаткаш деҳқон” кўрак нишонлари топширилди. Жаннатмонанд юртимизда етиштирилган мева-сабзавот-лар, чет элдан олиб келинган, маҳаллийлаштирилган қишлоқ ҳўжалиғи техникалари, қўлма лабораториялар, агрохизматлар кўргазмаси, маданий дастурлар ташкил этилди.

Байрам шуқуҳи мамлакати-миз ҳудудлари бўйлаб давом этмоқда.

Сўз — тантана иштирокчиларига

Бекмурод ТУРДИШЕВ,
Қорақалпоғистон деҳқончилик
тадқиқот институти директори:

— Қишлоқ ҳўжалиғига қаратилаётган эътибор самараси сифатида кейинги йил-ларда институтимиз моддий-техника ба-заси мустаҳкамланди, замонавий мезон-лар асосида таъмирдан чиқарилди, штат бирликлари кенгайтирилди. Ҳозирги кун-да бу ерда 90 нафар ишчи-мутахассис, олимлар фаолият кўрсатмоқда. Олимла-римиз томонидан озиқ-овқат таъминоти-ни яхшилаш мақсадида 2 та озуқа экни, “Чимбой-35-35” пахта нави яратилди. Умумий қиймати 8,5 миллиард сўмлик 6 та грант лойиҳаси ютиб олинди. Бу илмий тадқиқот ишларини янада ке-нгайтириш имконини беради.

Мавлуда БОЙМИРЗАЕВА,
Поп туманидаги “Жасурбек Ўзғоза” фермер ҳўжалиғи раҳбари:

— Бу йил 42 гектар ерда пахта-ғалла етиштириб, пахта-нинг ҳар гектаридан 45 цент-нер, ғалладан 90 — 92 цент-нердан ҳосил олдик. Натижа-да жорий йилда фермер ҳўжа-

Башорат ҚОДИРОВА,
“Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби (Сирдарё вилояти):

— Қарийб 50 йилдан буён қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида меҳ-нат қиламан. Ўтган йиллар мо-байнида қўл, даст ерларни ўзлаштириб, пахта, ғалла етиштириш борасида жуда кат-та ҳаётий тажрибага эга бўлдим. Ҳозирги кунда аг-

лигимизнинг даромади 1 миллиард сўмдан ошшига эришилди. Вохоланки, яқин йилларга гектаридан пахта-дан ўртача 15 — 17 ва ғалла-дан 40 центнер ҳосил олинар

роном сифатида туманда ёш фермерларга илм-фан ютуқ-лари, инновацион ғоялардан унумли фойдаланиш бўйича ўз маслаҳатларимни бериб келмоқдаман. Соҳанинг қўп иллийк фидойиси сифатида бугунги ўзгаришлардан беҳад

эди. Кластер корхоналари би-лан фаол ҳамкорликда ишлаб, истикболли тармоқларни ке-нгайтириш ва шу орқали даро-мад саломатини янада ошириш-ни мақсад қилганмиз.

мамнунман. Ишонаманки, яқин истикболда қишлоқ ҳўжалиғи тармоқлари жадал ривожланади.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бунёдкорлик



МАКТАБ УЧУН ЯНГИ БИНО

Шофирқон туманидаги Денов маҳалласида жойлашган 4-умумтаълим мактаби «Обод қишлоқ» дастури шарофати билан тўрт қаватли замонавий ўқув биносига эга бўлди.

Деновликлар, хусусан, мактаб жамоаси бу кўнни оряқиб кутган эди, десак, адашмаймиз. Чўнки шу пайтга қадар синфо-налар етишмовчилиғи ваҳидан дарслар икки сменада ташкил этилар, бу ота-она-лару ўқитувчиларга нуқулайликлар туғди-риб келаётганди. Қолаверса, мутахассис-ларнинг фикирга кўра, тушгача олинган сабоқ самаралироқ.

— 540 ўринга мўлжалланган янги би-нода педагогларимизнинг таълим самарадор-лигини оширишлари, ўқувчиларнинг билим-ларини ўзлаштиришлари учун зарур қулай-ликлар яратилган. — дейди мактаб дирек-тори Д. Нарзуллаев. — Ўқув хоналари ке-ракли жиҳозлар, айниқса, компьютер те-хнологиялари, интерфаол доскалар билан таъминланган.

Денов маҳалласидаги бу мактаб 1925 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Янги ўқув биноси эса 5 миллиард сўм микдор-даги маблағ эвазига бунёд этилди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

УМУМИЙ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШГА ИЛМИЙ ЁНДАШИЛАДИ

Марказий Осиё халқаро институтида “ХІХ аср ўзбек ва қозоқ мутафаккирлари дунёқарашини умумий тарихий-маданий меросни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбир

Марказий Осиё халқаро институти ва Қозоғистон Республикасининг Р. Сулейменов номидаги Шарқшунос-лик институти ҳамкорлиғида ташкил этилган тадбирда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, етакчи эксперт-таҳлил марказлари, илмий-тадқиқот муассасалари вақил-лари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ўшлар қатнашди.

Анжуманда ХІХ аср ўзбек — қозоқ мутафаккирларининг илмий, фалсафий ва адабий меросини тадқиқ этиш ма-салалари, икки мамлакат маърифат-парварларининг маданий-гуманитар соҳадаги алоқалари ва уларнинг

ўтмиш тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси муҳокама қилинди.

Мустақиллик даврида ўзбек — қозоқ халқлари ижтимоий-сиёсий жи-ҳатдан мисли қўрилмаган даражада юксалди, дунёқараш ўзгарди ва мил-лий ўзлигини англаб етди. Бунинг учун қанчадан-қанча мураққаб ва ма-шаққатли йўлни босиб ўтишига тўри келди. Бугунги кунга келиб, икки қар-дош халқнинг бой ва муштарак тари-хий-маданий меросини ўрганиш ҳамда оммалаштириш янада муҳим аҳамия-ти касб этиб бормоқда. Ушбу маса-ла Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан

биридир. Замонавий дунёда иқтисо-дий ютуқлар билан бир қаторда маъ-навий, тарихий-маданий мерос ҳам миллат рақобатбардошлиғининг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланади.

— Тадбиримиз Ўзбекистонда кенг нишонланаётган қозоқ халқининг атоқли фарзанди, шоир ва мутафак-кир “Абай Қўнонбоевнинг мероси кун-лари” пайтида ўтказилаётгани эъти-борга молик, — дейди Марказий Осиё халқаро институти директори Анвар Носиров. — Шу кунларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси аъзолари ишти-роқида қўллаб-жамоаларда ижодий кечалар ўтказилишмоқда, олиий ўқув юртиларида шоир ижоди ҳақида маърузалар тингланмоқда. Ташкент, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоят-ларида буюқ мутафаккирга бағишлан-ган ижодий кечалар ташкил этилди. Бу тадбирларнинг барчаси бир мақ-сад — Абайнинг маънавий мероси

билан яқиндан танишиш орқали Ўзе-бистон ва Қозоғистон ўртасидаги ма-даний-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва томонларинг бир-галикдаги саъй-ҳаракатлари туфайли дўстлик, яхши қўшничилик ва страте-гик шериклик муносабатлари мутлақо янги суръатда ривожланмоқда.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзе-бистон Республикаси Президентининг Қозоғистонга ташрифи чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг янги “ўсиш нуқталари”, устувор йўналишлари ва муҳим вазифалари белгилан олминди.

Сўзга чиққанлар мустамлакачилик тузуми шароитида Марказий Осиё халқларининг маърифатга, озолиққа интилишида, минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётида жадидчилик ҳаракати

муҳим ўрин тутганини қайд этишди. Шу нуқтага назардан, ХІХ асрда Мар-казий Осиё халқларининг тарихий-ма-даний меросини англаш ва асраб-авайлаш жараёнига улкан ҳисса қўшган ўзбек — қозоқ мутафаккирла-ри фаолиятини тадқиқ этиш гоятда аҳамиятлидир.

Ҳозирги кунда мамлакатларимиз етакчиларининг сиёсий иродаси, ил-мий жамоатчилиқнинг саъй-ҳаракат-лари туфайли ушбу йўналишда тад-қиқотларни амалга ошириш учун етар-лич имкониятлар мавжуд.

Конференция илмий доира вақил-лари ва икки мамлакат экспертлари ўртасида конструктив фикр ал-машин, ўзаро мунтазам тадбирлар-ни йўлга қўйиш ва тақлифлар ишлаб чиқиш, икки томонлама ил-мий-таҳлилий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш борасида платфо-рма вазифасини ўтади.

Тадбир якунлари бўйича, Марка-зий Осиё халқаро институти ва Қозоғистон Республикасининг Р. Сулейменов номидаги Шарқшунос-лик институти ўртасида ҳамкорлик бўйича икки томонлама қатор ҳуж-жатлар имзоланди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ДРАЙВЕРИ

Ҳар йили декабрь ойининг иккинчи яшанбаси мамлакатимизда Қишлоқ ҳўжалиғи ходимлари кўни сифатида кенг нишонланади. Шу муносабат билан кўни кеча Президентимиз соҳа ходимларига байрам табриғини йўллади.

Табриқда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори қишлоқ ҳўжалиғида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқ-да. Бу жараёнда инсон қадр ва манфа-атларини таъминлаш устувор вазифа си-фатида биринчи ўринга қўйилмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда қишлоқ ҳўжалиғига бўлган эътибор тубдан ўзга-риб, соҳанинг барча тармоғида туб ис-лохотлар ўтказиш орқали озиқ-овқат етиштиришни кўпайтириш, ишсизлиқни камайтириш, камбағалликни қисқарти-риш, халқимизни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва ортганини экспорт-га йўналтириш энг устувор вазифага айланди.

Қишлоқ ҳўжалиғи унумдорлигини оши-риш, соҳага илм-фаннинг илгор техно-логияларини жорий қилиш, ҳўжалик юртишнинг янги шакллари — кластер ва кооперация тизимини ривожлантириш-га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қўнуларимиз ўзгариштирилиб, фар-монлар, қарорлар, давлат дастурлари қабул қилиняпти. Бу бежиз эмас. Чўнки қишлоқ ҳўжалиғи дунёдаги энг катта иш берувчи ҳисобланади. Жаҳон аҳолиси-нинг қарийб 40 фоизи айнан ушбу соҳа-да банд қилинган. Мамлакатимизда ҳам бу соҳа иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Қишлоқ ҳўжалиғида фой-даланилаётган ер майдони республика ҳудудининг 45 фоизини ташкил этади ва халқимизнинг аксарияти ушбу соҳада тирикчилик қилмоқда.

Дунёда инсоният коронавирус бало-сидан батамом ҳолос бўлмаган бир ша-роитда кейинги йилларда айрим ҳудуд-ларда юз бераётган нотинчликлар озиқ-овқат хавфсизлиғига бўлган таҳдидни кўчатириди. Ҳатто бу масалага сиёсий тўс берилиши натижаида сўний тақ-чилликлар пайдо қилиняпти ва шундоқ ҳам танқис бўлиб бораётган озиқ-овқат муаммоси янада глобал аҳамият касб этмоқда. Экспортга турли чекловлар ки-ритилиб, транспорт-логистикада узилиш-лар пайдо қилиняпти. Бундай омиллар қишлоқ ҳўжалиғи ходимлари олдиға ҳам долзарб вазифаларни қўймоқда.



Шу боис мамлакатимизда ҳам сифат-ли озиқ-овқат етиштиришни кўпайтириш бугун ҳар қачонгидан-да долзарб вазифага айланди ва бу масала давлатимиз раҳбари иштирокида ўтаётган қатор йи-ғилишлар кун тартибидан ўрин оляпти.

Биргина жорий йилнинг ўзида деҳқон ҳўжалиқларини ривожлантириш учун 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, очик электрон аукцион орқали аҳолига тар-қатилди. Бунинг ҳисобидан 420 минг-дан ортиқ янги ҳўжаликлар ташкил этил-ди. 1 млн. 200 мингдан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди.

Одамларга уруғ, кўчат ва ўғитдан ёрдамлашиш мақсадида “Томорқа хиз-мати” йўлга қўйилди, имтиёзли кредит-лар акратилмоқда. Маҳсулот етишти-риш, сўғориш, уруғ ва кўчат сотиб олиш билан боғлиқ ҳаражатлар субсидия ҳисобидан қўллаб берилляпти.

Албатта, янги Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида амалга оширилаёт-ган ислохотлардан қўзланган бош мақ-сад, аввало, сифатли озиқ-овқат маҳ-сулотларни етиштириш орқали бозорла-римизда нарх-наво барқарорлиғига эришиш, халқимиз дастурхонга тўқимли-гини таъминлашдир. Бунда ҳалол пе-шона тери, фидокорона меҳнати билан ердан ноз-неъмат ундириб, ҳаётимизга кут-барақа, файзу қувонч олиб кираёт-ган деҳқонларимиз, соҳа ходимлари хизмати ва ўрни беқиёс бўлмоқда.

Зафар АБДИРИМОВ,
Олий Мажлис Қўнуқчилар
палатаси депутаты.

Ободлик

АМАЛИЙ ИШЛАР САМАРАСИ

Фаргона вилоя-тининг Ўзбекистон туманидаги олис ўқчи қишлоғида Мевазор маҳалласи ҳудудига қадар ичимлик суви тар-моғини тортиш яку-нига етказилиб, замонавий сув иншооти фойдаланишга топширилди.

Қиймати қарийб 21 млрд. сўмлик ушбу йирик лойиҳага 2021 йилда киришилган бўлиб, катта ҳажмдаги кури-лиш-монтаж ишлари бажари-лди. «Обихаёт-Б» МЧЖ курувчилари томонидан ўқчи қишлоғида 2 та тик сув қудуғи қазилиб, янги трансформатор-лар ўрнатилди. Ҳар бирининг ҳажми 1000 м³ бўлган 2 та сув сақлагич қурилди. 21 ки-лометрга яқин масофада тор-тилган тармоқ «Нурсуҳ» сув иншоотиға уланди.

Натижада тумандаги ичим-лик суви таъминоти оғир ҳудуд-лар ҳисобланган «Бўстон», «Ян-



«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

СПОРТГА ҲОМИЙЛИК УЛКАН НАТИЖАЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Мамлакатнинг халқаро миқёсда ўрни ва нуфузини ошириш, доврўғини дунёга таратишда спорт энг самарали йўлдир. Ўз навбатида, миллат генофондини асраш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама етуқ бўлишига эришишда ҳам спорт алоҳида аҳамият касб этди.

Молия муассасаларида

Давлатимиз раҳбари томо-нидан мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбияни ри-вожлантиришга юксак эъти-бор қаратилаётгани шундан. Айни йўналишда Президентим-миз томонидан қабул қили-наётган ҳужжатлар бу бора-даги ишларда дастуриламал бўляпти. Хусусан, 2021 йил 5 ноябрдаги “2024 йил Па-риж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги олимпия ва XVII паралимпия ўйинла-риға Ўзбекистон спортчилла-рини комплекс тайёрлаш тўғрисида” қўи ҳамада 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки олимпия ва паралимпия ўйинларида му-ваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида”ги

Президент қарорлари ижроси доирасида амалга ошири-лаётган ишлар нуфузли аре-наларда ўтадиган шиддатли баҳсларда спортчиларимиз-нинг Ватанимиз шарафини муносиб ҳўма қилишига за-мин яратади.

Маэкур улўғ мақсадлар йўлида қўпчилиқ бир ёқадан бош чиқариб, жипслаган. Хусусан, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ томонидан ҳам Ўзбекистон Миллий па-ралимпия кўмитасига те-гишли тартибда ҳомийлик маблағи ажратилди.

Эзгу ниятлар халқимизни янада жипслагатди. Бир-лик, ҳамжihatлик эса юксак натижаларга йўл очмоқда.

Банк ахборот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

ЎЗ АЗМИДА ҚОЙИМ ТУРМОҚ САОДАТИ

«Кўҳна тарих шодаси...»

“Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик”, дейди улуғ адиб Абдулла Қодирий. Тарих шунчаки ўтмишда кечган воқеликкана эмас, балки бугунги кун сабоғи, келажақ учун ҳам кўзгудир. Аждодларимиз ўтмишдан тўғри хулоса чиқариб, бугунини бунёд этган, эртанги кун режасини тузган. Боболардан мерос қолган билим, ақл-заковат, тажриба шундай йўл тутишга ундаган, орзулар сари етаклаган. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда:

“Бу улуғ орзу асрлар давомида халқимизни эзгу амаллар сари йўллаб, унинг иймон-этикодини ғайрининсоний ғоялардан, миллатни турли таҳдидлардан муҳофаза қилиб, ўзига хос маънавий қалқонга айланди”.

Тарихдан бунга мисоллар кўп. Аждодлардан қолган илмий ва маданий обидалар бугун мамлакатимизнинг қудратини намойиш қилиб турибди. Хар бир салтанат, аввало, давлатчиликнинг янги босқичи, янги тузуги, янги қарашлар, яъни янги ислохотлар деганидир.

Хар бир салтанат барқарор тизимга айланиши учун шу заминда пайдо бўлган моддий-маънавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўзигача бўлган муносабатларни ва бошқарувни ислох қилган. Ислохот — бу эҳтиёжларни англаш ва уни қондириш, дегани. Жумладан, кейинги икки минг йиллик кенгликларда “Авесто”, Хоразм Маъмун академияси, тафаккуримизни юлдузлар қадар юксалтирган Улугбек расадхонаси, Бухоро, Самарқанд, Хива обидалари ана шу ислохотларнинг моддий исботи сифатида қад кўтариб турибди.



Янгилаиш томон собитқадамлик

Тарихдан бир нарсa маълум: салтанатларни ўз вақтида қилинган ислохотлар юксалтирган, асраб қолган, умрини чўзган. Ислохот юз бермаган салтанатлар ўз ўрнини бошқасига бўшатиб берган. Бунга ўтмишда мисоллар кўп.

Ислохотлар пайдо бўлган эҳтиёжни ҳосил берадиган умумжамият ҳаракатига айлантиради, тўғиб қолган жамиятга янги фикр, янги ғоя беради, генларни қитқилаб, сафарбар қилади. Хар бир ислохот — бу янги фикр, янги қараш, янги муносабатлар дегани, эскирган, тараққийлаб тўғнаб қолган қарашларни орадан олиб ташлади.

Амир Тему́р ислохотлари юртимизни дунёнинг нафақат илмий, балки иқтисодий ва сиёсий марказига айлантирди. Дунёнинг глобал муаммолари мана шу ҳудудда, Марказий Осиёда, хусусан, Самарқандда ечим топадиган бўлди. Ёки Мустафо Камол Отатўрқ ўтказган ислохотлар фақат Туркияни эмас, умуман, Ғарбий Осиёни қудратли минтақага айлантирганни инкор қилиб бўлмайди.

Сал аввалроқ эслаб ўтганимиз, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўз вақтида билим билан қилинган ислохотлар хар соҳада Японияни дунёнинг энг кучли давлатлари қаторига олиб чиқиши Шарқий Осиёдаги иқтисодий кўтарилишларга туртки берибди.

Ислохотларда миллат онги, қуввати, қарашлари, ҳаракатлари, орзу-истаклари янгиланади. У ҳалқ руҳиятини, муносабатларини янги куч ва қувват билан тўйинтирибди. Унда ягона мақсад, бирдамлик, ҳам-жиҳатлик пайдо қилади. Ислохотлар оғриган жамиятни муложа қилади. Ҳамма гап ислохотларни келтириб чиқарган эҳтиёжларни тўғри англашда, “касалик”ка тўғри ташхис қўйишда. Агар нотўғри ташхис қўйилса, эҳтиёжлар ислохотларда акс этмаса, бу ислохотлар ҳеч қачон ислохот мақомига кўтарилибди, эҳтиёжлар қондирилмайдиган. Рухиятдаги “ген” уйғонмайди.

Қонмаган эҳтиёж жамиятни пароканда қиладиган, бирдамликка раҳна соладиган ҳаракатлар ва интилишларга айланади. Бу эса, охири-оқибат, ҳам моддий, ҳам маънавий таназзулга олиб келади. Узоқ ва яқин мамлакатларда юз бераётган қирғин ва фожиалар бунинг далилидир.

Аслида ҳам, моддий ва маънавий юксалиш, шунингдек, инқирозлар бир-бирисиз содир бўлмайди. Маънавий-фикрий турғунлик, ўзбилармонлик ёхуд халқ эҳтиёжи билан ҳисоблашмаслик моддий-сиёсий турғунликка олиб келади. Ёхуд аксинча, унга қувват беради. Турфа фикрчилик жамият каталлизатори саналади. У ҳам моддий, ҳам сиёсий жараёнларни ҳаракатга келтиради, унга қўлм бағишлаб туради. Айнан шу сабабли ҳам жамиятда ўз вақтида умумжамият эҳтиёжи устига қўрилган, эртанги кун учун амалга оширилган ислохотлар салтанатларни гуллаб-яшнатган.

Давлатимиз раҳбари айтганидек: “дунё майдонида ва ўз азмида қойим турмоқ, мақсадга эришмоқ учун турмоқ олдинга интилиш, ҳаётни ва тафаккурни ислох қилиш, янгилаиш томон собитқадамлик билан бориш лозим”.

Яъни аждодларга муносиб ворис, башарий тамаддунга улуш қўшадиган миллат бўлиш, дунё майдонида ва ўз азмида қойим турмоқ дунё тафаккурни ислох қилиш керак.

Ҳоқ ижтимоий, ҳоқ сиёсий, ҳоқ иқтисодий-маданий бўлсин, соҳалардаги тараққий асосида умумийлик эҳтиёж турди. Эҳтиёж — интилишларнинг пайдовери. Эҳтиёж бўлмаса, одам ҳатто тамадди қилгиси ҳам келмайди ёхуд шунчаки рефлексларга бўйсунди. Рефлекс бу ҳали эҳтиёж эмас, кўникманинг талаби. Эҳтиёж одам ёки жамият вужудида пишиб турган уруғ. Бу уруғда генлар яшайди. Уни вақтида екиш, парвариш қилиш, мева олиш — бу аввало, унга бўлган муносабат билан боғлиқ.

Президентимиз халқ билан кенг мулоқотга йўл очди. Халқ билан кенгашиш оққали жамият дарадига “ташхис” қўйди, уни муложа қиладиган йўللار, усуллар излади.

Бу мулоқотда, асосан, майда маиший муаммолар уртага ташланишини, халқ узоқ йиллар юксак ғоялардан айро тутилиб, маиший муаммолар босими остида қолганини, Халқ қабулхоналари ана шундай маиший талаблар билан тўлиб-тошмишини ҳам мамлакат раҳбари яхши биларди. Аммо

ана шу ўта маиший талаблар ичидан миллат учун, унинг эртаси, келажаги учун зарур бўлган оғриқларни англаб олиш зарур эди. Шу йўл билан маиший талабларнинг туб илдизи нимага, қаерга бориб тақалади, қандай йўл танланса, миллат ўзини танийди, ўзига ўзи масъул бўлади, қандай ғоя изидан эрғашади, қандай ғоя унинг қонида уқлаб ётган буюклик генини уйғотди каби саволларга жавоб изланди.

Маиший талаблар ортида жамиятнинг эътибор қилинмаган оғриқлари бор эди. Бу оғриқларни, бу муаммоларни пайдо қилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муҳитни янгилаш керак эди. Халқнинг маиший муаммоларини ҳал қилиш билан бирга, бу муҳитда халқнинг генини уйғотадиган янги ғояга зарурат-эҳтиёж бор эди. Яъни инсонларни Ватанин обод қилиш, тараққий эттириш, юксалтириш, бирлаштиришга, қонида маиший муаммолар орасида кўринмай ётган миллат ва Ватан учун яшаш масъулиятини эслатиш, халқ руҳини улугвор мақсадда уйғотиш керак эди.

Халқнинг руҳий қувватини уйғотишда, бирдамлик, фидойилик, юртсеварликни миллий фазилатга айлантиришда миллат онга тили, адабиёти ва санъатини ривожлантириш, қисқача айтганда, маънавиятга муносабат асосий ўрин тутди.

Тафаккур эврилишлари

Янгилаиш сари бориш ҳеч бир замонда осон кечмаган. Янгилаиш тафаккурдаги эврилишлар билан боғлиқдир. Жамиятдаги хар қандай ўзгариш эса, биринчи навбатда, тилда ўз ифодасини топади. Ҳеч бир тилга янги сўз, атамалар ўз-ўзидан қириб келмайди. У аямиятдаги, шу жамиятда яшайётган инсонларнинг тафаккурдаги эврилишлар билан чамбарчас.

Сўнгги йилларда “Янги Ўзбекистон”, “Маънавий макон”, “Маърифатли жамият”, “Учинчи Ренессанс” тилимизда энг кўп ишлатиладиган сўзларга айланди.

Бу каби сўзлар замирида халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи, бугуни ва келажаги, энг муҳими, халқимизга хос бўлган до-



“Халқ сўзи” фотожамнамасидан.

га айлантиришимиз лозим”, деган қатъий фикрни ўртага ташлади.

Кейинги йилларда барча давлат идораларида Ўзбек тилида иш юритиш шарт қилиб қўйилди, давлат тили бўйича раҳбарларнинг масъалачилари — давлат тилига риоя этишни назорат қилувчи масъуллар тайинланди. Бу расман мустақил, аммо ҳали тўлиқ тан олинмаган истиқлолни энди амалдаги мустақилликка айлантириш йўлидаги жуда катта қадам, амалий жўрнат эди. Бугун барча идораларда миллий давлатчиликнинг ана шу муҳим жиҳатини назорат қилувчи амалий тизим пайдо бўлди.

Албатта, давлат тили борасида ҳали ҳамма муаммолар ҳал бўлгани йўқ. Аммо у кенг муҳокама қилинати, бу муҳокама-лар давлат идораларида ўз акс садосини бермоқда. Бугун давлат тилига амал қилишни талаб этиш — бу оддий фуқаролик маданиятига айланиб бораётган. Давлат тилини ҳимоя қилиш, жорий этиш, ҳаракатга келтириш, тан олдириш борасида қилинган янги амалий ислохотлар энди хар бир фуқаро зиммасига шу тилини асраб-авайлаш ва қадрлаш, унинг шаънини фуқаролик ҳамда шахс шаъни даражасига айлантириш масъулиятини қўймоқда.

Келажақ дастури

Тарих сабоғи шуни ўргатадики, маиший муаммолар ҳал бўлади. Аммо халқ ўзининг халқ эканини ўйламаса, унинг қонидаги қудратини уйғотадиган ғоя берилмаса, фақат маиший ҳаёт билан яшаса, эртанги кунига юксак мақсади бўлма-



са, унда барча ислохотлар оддий, ўткинчи бўлиб қолаверади.

Президентимиз йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилган ҳолда халқни бир ғояга бирлаштирадиган янги қарашни — буюк дастурни баён этди: “**биз бошқаларга эрғашувчи эмас, аксинча, доимо эрғаштирувчи халқ бўлиб келганмиз. Билим, маърифат, маданият билан бошқаларга ўрнак бўлганмиз. Бу — бизнинг қон-қонимизга, зоту зурриётимизга сингиб кетган, миллий қадриятларимизга айланган фазилат**”.

Бу мақсад ва орзулар “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзларида муҳим жасам бўлди.

Халқ билан мулоқот — бу халқнинг дардини, оғринини билиш, англаш, жамиятнинг оғриқли нукталарини аниқлаб олиш эди. Президент ана шу мулоқотлар орқали Ўзбекистоннинг бугуни ва эртасини яққол тасаввур қилди ва эртанги кун учун дастур ташлади. Бунинг “Янги Ўзбекистон” деб атади. Бошланган ислохотлардан қўзда тутилган мақсад ҳам аслида халқ ва Ватан келажаги учун халқнинг қонидаги генларни уйғотиш, охири-оқибат, бир пайтлардаги каби Ренессанс юз берадиган янги Ўзбекистон яралишига асос қўйиш эди. Болалар меҳнатидан воз кечилиши, иқтисодиёт, сиёсат, таълим соҳасидаги ислохотлар, буюк боболар меросини ўрганиш, илм-фан вақиллари, ўқувчиларнинг маъқини кўтариш орқали маърифатни жамиятда устувор мақом ва фазилатга айлантириш, ёшларга оид ислохотлар ана шу мақсад сари ташланган тарихий қадамлар бўлди.

Кейинги олти йилда биз умумжамият миқёсидаги ислохотлар силсиласида яшаб келаямиз. Аммо биз бу ислохотларнинг туб заминини, унинг қўламини, зимматга юклатган заварини ҳали англаб етдик, дея олаймиз.

Авалло, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, илгариги ренессанслар мамлакат яхлитлиги, суверенлиги, салтанатнинг юрт, Ватан, келажақ олдидаги масъуллиги ўлароқ тартиб саҳнасига қалқиб чиқди. Ўз даврида амалга оширилган ислохотлар иқтисодий, ижтимоий ва фикрий жиҳатдан ренессанс, яъни янги кўтарилиш, янги юксалиш эҳтиёжини пайдо қилди.

Ренессанслар халқнинг дунё тамаддунига қанчалар улуш қўшганини исботлаб турувчи инкор этиб бўлмас тарихий далиллардир. Иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, ислохотларнинг англаб икхро этилиши, унга хар бир фуқаронинг масъул бўлиши — маданий юксалиш, дунёга фикр, илм бериш эҳтиёжини пайдо қилади. Ислохотлардан қувват олган, ўз эркинлигига ва дахлсизлигига имкон берилган тафаккур эса ўз даврига мисли қўрилмаган илмий, маданий, моддий тўхфалар тортиқ қилди.

Ўтмишдаги хар иккала Уйғониш даврида ҳам асосий куч сифатида бутун Марказий Осиё халқлари иштирок этган. Ўша цивилизациялар бу минтақадаги барча халқлар иштирокида содир бўлган.

Бугунги кунда ҳам Марказий Осиё мамлакатларининг келажаги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга боғлиқ бўлиб тургани сир эмас. Бугун заминимизда амалга оширилаётган ислохотлар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг, Шарқ мамлакатларининг келажагини ҳал қилиши бугун халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Аҳборот майдонида “Самарқанд руҳи” деган янги бир атама пайдо бўлди. Бу беҳиж эмас.

Марказий Осиё азалдан яхлит вужуд бўлиб яшаб келган. Гарчи бугун бу минтақада тўр доирада бешта, кенг доирада ўнга яқин давлатлар мавжуд бўлса-да, ана шу давлатлар орасида Ўзбекистоннинг ўрни, жойлашуви, иқтисодиёти, сиёсати, маданияти муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ана шу давлатлар маданияти ва иқтисодиёти, демокки, сиёсий манфаатлари кесмишган жойда жойлашган. Бу минтақа давлатлари бир-бирисиз тараққий этол-

“Халқ денгиздир...”, дейди улуғ шoir. Халқ битмас-туғаммас ҳазина. Унда эртанги ренессансларни уйғотувчи истеъдодлар яширин. Агар халқнинг тилини топиб, унинг миллат ва Ватан равнақига дахлдорлиги пайдо қилинса, бундай халқ эртанга ренессансларни юзага чиқарадиган истеъдодлари яратиб беради. Чўнки унинг қонида, генида бор бу буюклик, бу қудрат.

Бугунги ислохотлар замирида ўз азмида қойим туришга қарор қилган, янгилаиш томон собитқадамлик билан бораётган халқнинг ўз эртанги кунини, келажаги учун қўрсаётган хоҳиш-иродаси, масъулияти ва Ватан қайғуси ётади.

майти ёхуд бир томонлама ривож топади. Буюк Ипак йўли бундан дарак беради.

Айнан шунинг учун ҳам Шавкат Мирзиёев Президентлигининг дастлабки қурилишда қоқ йўллар алоқалар турғун бўлиб келган ён қўшиллар билан муносабатларни йўлга қўйиш, бир мақсад, бир йўлда ҳаракат қилиш, Марказий Осиёни хар жиҳатдан тараққий этган давлатлар қаторига қўиш ташаббусини кўтариб чиқди. Бу борадаги ислохотлар бугун ҳам иқтисодий-маданий, ҳам сиёсий жиҳатдан ўз самарасини бера бошлади: ён қўшиллар иштирокида истиқболли кенг, хар икки томон учун ҳам манфатли қўшма корхоналар, иқтисодий зоналар ишга тушди. Илм-фан, санъат, адабиёт, маданият соҳасида янги-янги қўшма лойиҳалар амалга оширилиб, халқаро миқёсда эътироф этила бошланди. Халқаро бахшчилик ва мақом фестивалларининг ўзида дунёнинг 70 дан ошми мамлакатларидан вақиллар қатнашиб, ўз санъатларини намойиш этди ҳамда танловнинг нуфузли муқофотларига сазовор бўлди.

Бу фестиваллар фақат ён қўшилларнинг бахшчилик ва мақом санъатини таъиништириш эмас, балки мазкур таъдир орқали тарихимиз, санъатимиз, маданиятимиз билрилигини ҳам намойиш қилди. Қонимизда уқлаб ётган қувватларни, генларни, иходиий салоҳиятни уйғотиш ҳамдир. Зотан, тарихан бир-бирига яқин қўшни, оға-ини, жиғарлар бўлганлар бу санъат намойишида бунга яна бир қарра ҳис қилди. Бу эса глобаллашув ва мураккаб сиёсий айирмачилик кўнаиган даврда бу халқлар тарихан бир-бирисиз яшолмайдиган халқлар эканига ишора ҳам бўлди. Бинобарин, азалдан дини, дили, ишлаб чиқариш ва маънавий маданияти бир халқлар фақат бир-бирига ўзаро ҳурмат ва ўзаро ҳамжиҳатлик билан глобал муаммоларга биргаликда ечим топиши, синовларни биргаликда енгиб ўтиши осон. Шунингдек, бир маконда, бир маданиятда яшаган халқларнинг бир-бирига яқинлашуви — тарихий салоҳиятнинг қайта юз кўрсатишига, тарихий орзу-умидларнинг амалга ошишига олиб келади.

Давлат раҳбарининг ён қўшиллар билан, умуман, ташқи сиёсат борасида бошланган ислохотлари тағида ҳам ана шу интилиш, ана шу мақсад ётади. Бу минтақада биз фақат бир бўлсаккина, ягона мақсадда ҳаракат қилсаккина бизга ғайирлик билан қилинаётган хуфийна ва очик таҳдидларнинг олдини оламиз, бу минтақа тараққийоти учун, янги даврдаги юксалиши учун замин тайёрлаймиз.

Маълумки, хар қандай ғоя, хар қандай таълимот ёки умумийлик дастурига жамиятда ҳаётий эҳтиёж ва интилиш бўлсагина у ҳаётий амалиётга айланади.

Хазрат Навоийнинг “**Одами эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғамин...**” ҳикматири раҳбарлар ҳам, оддий одамлар ҳам давраларда ўқишни, мақолаларда эслашни яхши қўришади. Бу ҳикматни халқ ғамидан узоқ бўлганлар ҳам давраларда ўқиб, олқиш олишган. Лекин масала шундаки, хазрат бу ҳикматни ўқиб, шior қилиб юриш учун эмас, амал қилиш учун, ҳаракатда ва ҳаётда шундай мақсад билан яшаш учун ёзган. Хар қандай ҳикмат амалда ўзини кўрсатса, у ҳикмат бўлади, йўқса, бу навбатда қуруқ сўзга айланади.

Президентимиз халқ билан мулоқотни йўлга қўйиши билан уни ўрганиш, халқ оғринини ҳис қилиш билан бу борада амалий ишга ўтди. Халқнинг дардини енгиллаштирадиган ислохотлар бошланди. Амалий ишлар барча соҳада юз кўрсатди. Оқибатда жамиятда халқ давлат учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлаш керак, деган қараш пайдо бўлди. “Давлат идоралари халқнинг хизматкори” деган ёндашув халқ билан давлат орасидаги узоқ йиллардан бери турган жарликни олиб ташлади, халққа менсимай қараган, унинг дарди, муаммоси билан иши бўлмаган амалдорни халқнинг хизматкорига айлантирди.

Жаббо ЭШОНҚУЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 14 155 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-қўднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонал 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёғмалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун буюбини расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.15 Тошпиридди — 23.50 1 2 3 4 5 6